

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНТИТУТИ**

**ХОЛЛИЕВ АСАМИДДИН ТУРАЕВИЧ**

**ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ (НЎХАТ, МОШ, ЛОВИЯ)  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Холлиев Асамиддин Тураевич.**

Дуккакли дон экинлари (нўхат, мош, ловия) зараркундаларига қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш ..... 3

**Холлиев Асамиддин Тураевич.**

Разработка методов борьбы против вредителей зернобобовых культур (нут, маш, фасоль) ..... 21

**Kholliiev Asamididdin Turaevich**

Working out of methods of control of bean cultures (pears, mung beans, haricot beans) ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНТИТУТИ**

**ХОЛЛИЕВ АСАМИДДИН ТУРАЕВИЧ**

**ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ (НЎХАТ, МОШ, ЛОВИЯ)  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx59 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Гаппаров Фурқат Ахатович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кимсанбаев Хужамурод Хамроқулович</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х. Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда дуккакли дон экинларидан йилига жами 62 млн тонна озиқ-овқат маҳсулоти сифтида ҳосил олинади<sup>1</sup>. Дунё миқёсида дуккакли дон экинлари Ҳиндистон, Хитой, Корея, Россия ва бошқа кўпчилик давлатларда энг кўп экиладиган экинлардан ҳисобланади. Дуккакли дон экинларининг ҳозирги кунда бир неча ўнлаб турдаги зараркунандалари мавжуд бўлиб, бу зараркунандалар: ўргимчаккана, ширалар, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, чертмакчилар, қора қўнғизлар, тунламлар, узунбурунлар ва бошқалар каби бир қанча зараркунандалар мавжуд. Бу зараркунандалар дуккакли экинларнинг илдизини ва ёш ниҳолларини, вегетатив ва генератив органларини зарарлаб ҳосилдорликни камайишига ҳамда ўсимликларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Баъзи зараркунандалар эса ҳар йили сурункасига ривожланиб, дуккакли экинларга жиддий иқтисодий зарар етказмоқда, бу эса ўз навбатида ҳосилдорликка кескин салбий таъсир этади. Зараркунандаларга қарши курашмасдан туриб дуккакли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиб бўлмайди.

Дунё қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган дуккакли дон экинлари инсон учун энг зарур оқсил, ёғ ва углеводларга бой бўлганлиги сабабли инсон организми томонидан кўп талаб қилинадиган озиқа маҳсулоти ҳисобланади. Шунга кўра дукакли дон экинларида зарар келтираётган зараркунандаларининг тур таркиби, биологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз шароитида нўхат, мош ва ловия экинларидан олинадиган ҳосилга бўлган талабни қондиришда бир қанча кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Дуккакли дон экинлари зараркунандаларига қарши кураш усуллари бўйича олиб борилётган тадқиқотлар натижасида дуккакли дон экинларидан олинадиган ҳосилдорликни сақлаб қолиш имкониятини яратади. Дуккакли дон экинлари зараркунандаларига қарши курашишнинг усуллари замонавий технологияларга мос равишда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Дукакли дон экинлари зараркунандаларига қарши самарали кураш усуллари тадбиқ этиш дуккакли дон экинлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника

---

<sup>1</sup><http://www.fao.org>

ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш тўғрисида» ги ПҚ-3027- сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё аҳолисининг 90% дан кўпроқ қисми озик-овқат маҳсулоти сифатида дуккакли дон экинлари маҳсулотларини истеъмол қилади. Сўнгги йилларда аҳоли сонининг кескин ортиб бориши, дуккакли дон экинлардан олинадиган маҳсулотларга бўлган талабнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Дуккакли дон экинлари зараркунандаларининг турлари ва уларга қарши кураш чоралари В.Н.Полевщикова, Н.М.Махмудхўжаев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра дуккакли дон экинлар агробιοценозида 90 дан ортиқ зараркунанда турлари (В.Н.Полевщикова) аниқланган ҳамда ҳосилни зарарли организмлар таъсирида 50-60 % нобуд бўлиши (Н.М.Махмудхўжаев) ўрганилган. Л.Мирмақсудова ва С.Якубовалар берган маълумотларига кўра Тошкент вилояти шароитида дуккакли дон экинларига зарар келтириб яшовчи 15 дан ортиқ хавфли зараркунандалар учраб катта зарар келтириши аниқланган, бу зараркунандалар туганак узунбурунлар, нўхат донхўри, тунламлар, ўргимчаккана ва дуккаклилар шираси бўлиб, олинадиган ҳосилнинг 40 % дан кўпроғи нобуд бўлиши, зарарланган донлар экишга яроқсиз ҳамда унувчанлиги 50 % га камайиб кетишини аниқлаган. Шунга кўра, дуккакли дон экинлари зараркунандаларига қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ҚХА-9-061-2012 «Дуккакли дон, мойли ва эфир мойли экинларнинг асосий зараркунанда ва касалликларига қарши янги замонавий ва самарали ҳимоя тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2014 й.й.), ҚХА-9-064-2015 «Дуккакли дон экинларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш тизимини яратиш» (2015-2017 й.й.) ва ҚХА-9-006-2016 «Дуккакли экинларининг ҳосилини ҳимоя қилиш учун донхўр брухусларга (*Bruchidae*) қарши самарали восита ва усуллар мажмуини яратиш» (2016-2017 й.й.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Дуккакли дон экинлари зараркунандаларининг тур таркиби, биологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини аниқлаш асосида уларга қарши илмий асосланган самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ловия, мош ва нўхат экинларида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркибини аниқлаш ҳамда улардан асосий ва иккиламчи бўлган зараркунанда турларини ажратиш;

дуккакли дон экинларига жиддий зарар етказадиган асосий зараркунандаларнинг биологик хусусиятларини аниқлаш;

асосий зараркунандаларнинг тарқалиш ареали ва келтирадиган зарарини аниқлаш;

ўрганилаётган объектларнинг табиий кушандаларини аниқлаш ва зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамиятини аниқлаш;

дуккакли дон экинларида учрайдиган зараркунандаларга қарши замонавий янги инсектицидларни турли меъёрларда синовдан ўтказиш, уларни қўллаш муддати ва меъёрларини белгилаш ҳамда юқори самарали инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** дуккакли дон экинларига (ловия, мош, нўхат) зарар келтирувчи зараркунандалар, уларга қарши биологик ва кимёвий усул, паразит, йиртқич, энтомофаг, биопрепарат ва инсектицидлар.

**Тадқиқотнинг предмети** республикамизнинг дуккакли дон экинларини етиштиришга ихтисослашган хуудларида уларнинг зараркунандалари ва табиий кушандалари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларидир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ловия, мош ва нўхат экинларида учрайдиган зараркунанда ва энтомофагларнинг тур таркибини аниқлаш, тарқалиши ва зарарини ҳисоблаш ва намуналар йиғишда Г.М.Ярославцев, В.Ф.Палий, Б.П. Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, Танский ва бошқ., Г.Я. Бей-Биенко, С.М.Вольков ва бошқ., Л.М.Копанева услубларидан; дуккакли дон экинларини асосий зараркунандаларининг биологик ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш ва фенокалендарь тузишда К.К. Фасулати, В.Ф. Палий, Б.В. Добровольский, Е.А. Дунаев, А.Н. Кожанчиков услубларидан; агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф.Пересыпкин ва бошқ., Т.И.Сухорученко ва бошқ., услубларидан; қўлланилган воситаларининг биологик, иқтисодий самарадорликлари W.S.Abbot, К.А.Гар услубларида ҳисоблаб чиқарилди, олинган натижалар дисперсион таҳлил қилиниб, Б.А.Доспехов тавсия қилган услубда аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамиз шароитида сўнги 50 йил ичида дуккакли дон экинларининг зараркунандалари турлари қайта таҳлил қилиниб, зараркунандаларнинг 34 та тури аниқланган ҳамда асосий, иккиламчи ва зарарсиз турларга ажратилган;

асосий зараркунандаларнинг яъни ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси – (*Liriomyza cicerina* Rond.), донхўрлар (*Bruchidae*) тугунак узунбурунлар (*Curculionidae*) биологик хусусиятлари ҳамда нўхат ўсимлигида ғўза тунламининг зарар етказиш даражаси аниқланган;

дуккакли дон экинлари биоценозида табиий энтомофагларнинг турлари ва уларнинг зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамияти аниқланган;

доминант тур зараркунандаларга қарши биологик ва кимёвий кураш усуллари ишлаб чиқилган;

зараркунандаларга қарши инсектицидларни қўллашнинг янги технологияси ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нўхатда ғўза тунламига қарши биопрепарат Beta Pro гектарига 320 гр/га миқдорида қўлланилганда 90,9 % биологик самарадорликка эришилган;

кимёвий усулда эса нўхат пашшасига қарши кимёвий препаратлар қўлланилганда назоратга нисбатан сақлаб қолинган ҳосил гектарига 3,6 - 5,1 центнерни, ғўза тунламига қарши қўлланилганда 3,9 – 5,2 центнерни, ловия донхўрига қарши қўлланилганда 4,3–5,2 центнерни, мошда ўргимчак-каналарга қарши акарицидлар қўлланилганда 5,3 – 6,3 центнерни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, илмий тадқиқот ишлари чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республикамиз шароитида дуккакли дон экинлари зараркунандаларининг турлари, биологик ва экологик хусусиятлари, зарар келтириш даражаси ва уларга қарши кураш чораларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дуккакли дон экинлари зараркунандаларига қарши курашда биологик ва кимёвий препаратларни қўллаш орқали ҳосилни сақлаб қолиш ва аҳолини экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳамда чорвачиликни тўйимли озиқа билан таъминлаш билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дуккакли дон экинлари зараркунандаларига қарши кураш усуллари бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

дуккакли дон экинларида ширалар, туганак узунбурунлар, илдиз кемирувчи тунламларига қарши уруғдориллагич: Аваланче (5кг/т), Круизер (4 л/т) препаратларини қўллаш Тошкент вилояти Қибрай тумани Ўсимликшунослик ИТИ ҳамда Ўртачирчиқ тумани Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси хўжаликларида, Қашқадарё вилоятини Қамаш тумани «Бахтишод» Яккабоғ тумани «Бойжигит бобо» фермер хўжаликлари экин майдонларида жорий этилган («Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 17 ноябрдаги

02/13-2030-сон маълумотномаси). Бунда ҳосилдорлик 25-30 фоизга ошган ва иқтисодий самарадорлик гектаридан 1822000-2157000 сўмни ташкил этган;

дуккакли дон экинларининг асосий зараркунандаларига қарши ўсув даврида ўргимчакканага қарши «Вертимек», «Ниссоран», «Химголд», «Нурелл-д», донхўрларга қарши «Б-58 (янги)», «Караче», «Атилла», препаратлари, ғўза тунламига қарши «Акито», «Аваунт», «Моспилан» препаратлари, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши «Энтолучо», «Нуринол» ва «Поло» препаратларини қўллаш Қибрай тумани Ўсимликшунослик ИТИ ҳамда Ўртачирчиқ тумани Тошкент, шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси хўжаликларига, Қашқадарё валоятини Қамаши тумани «Бахтишод» Яккабоғ тумани «Бойжигит бобо» фермер хўжаликлари шароитида жами 680 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 25 ноябрдаги 07/23-1094-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида нўхат, мош, ловия экинларидан гектаридан 3,5-4,5 центнергача дон ҳосилини сақлаб қолишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дуккакли дон экинларини зараркунандалардан химоя қилишнинг аҳволи ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилинган бўлиб, унда дуккакли дон экинларининг зараркунандаларини тур таркиби, биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда кураш чоралари юзасидан адабиётлар таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар таҳлил қилиш жараёнида дуккакли дон экинлари зараркунандалари ҳамда энтомофаунасининг тур таркибини қайта текшириб чиқиб, улардан асосийлари ва иккиламчиларини ажратиш, биоэкологиясини

ўрганган ҳолда қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш жойи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари келтирилган.

Тажрибалар 2012-2016 йиллар мобайнида Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг дуккакли дон экинлари етиштирадиган хўжаликларида ва лаборатория ишлари эса Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтида олиб борилганлиги келтирилган.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ловия, мош ва нўхат экинларининг зараркунандаларини ҳисобга олиш, зараркунанда ва энтомофагларнинг турини аниқлаш учун кузатувлар олиб бориш ва намуналар йиғишда Г.М.Ярославцев, В.Ф.Палий, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, Танский ва бошқ., Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Вольков ва бошқ., Л.М.Копанева услубларидан; дуккакли дон экинларини асосий зараркунандаларининг биологик ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш ва фенокалендар тузишда К.К.Фасулати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев, А.Н. Кожанчиков услубларидан; агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф. Пересыпкин ва бошқ., Т.И. Сухорученко ва бошқ., услубларидан; қўлланилган воситаларининг биологик самарадорлигини ҳисобга олиш Abbot ва Khattak услубларидан; Қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги К.А. Гар услубидан; тажрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов, В.Ф. Моисейченко ва бошқ., ва В.Попов услублари бўйича MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Дуккакли дон экинлари агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг турлари, биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда табиий кушандалари» деб номланган учинчи бобида Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида дуккакли дон экинлари агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг турларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, бунда ушбу экинлар агробиоценозида ҳозирги кунда 34 турдан ортиқ зараркунандалар турлари аниқланган (1-жадвал). Ушбу экинлар агробиоценозида энтомофагларнинг 12 тури кузатилган (2-жадвал). Тадқиқотларда учраган зараркунандалар ичида келтирадиган зарари билан иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 10 турдаги зараркунандалар асосий доминант турлар деб топилган. Булар оддий ўргимчаккана-*Tetranychus urticae* Koch., дағал тукли узунбурун қўнғизи - *Setona crinitus* Hbst., майса узунбурун қўнғизи-*Setona cylindricollis* Fahr., тўрт доғли донхўр-*Callosebruchus maculates* Z., ловия донхўри-*Acanthoscelides altectus* Sag., акация шираси-*Aphis medicaginis craccivora* Koch., дала қандаласи-*Lygus pratensis* L., ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси-*Liriomyza cicerina* Rond., ғўза тунлами - *Heliothis armigera* Hb., кузги тунлам-*Agrotis segetum* Schiff. каби зараркунандалардир (1-жадвал). Ушбу зараркунандалардан дуккакли экинлар учун ихтисослашган туганак узунбурунлар, ғовак ҳосил қилувчи

нўхат пашшаси ва донхўрларнинг биоэкологияси ўрганилган ҳамда фенокалендар тузилган. Шу билан бирга нўхат пашшаси, ғўза тунлами, донхўрлар ва туганак узунбурунларнинг дуккакли дон экинларини зарарлаш даражаси ўрганилган (1,2,3,4,5,6-расмлар).



- 1-расм. Говак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси билан зарарланган нўхат ўсимлиги;
- 2-расм. Ғўза тунлами билан зарарланган нўхат дуккаклари;
- 3-расм. Ғўза тунлами билан зарарланган нўхат ўсимлиги;
- 4-расм. Донхўр брухуслар билан зарарланган нўхат донлари;
- 5-расм. Донхўр брухуслар билан зарарланган ловия донлари;
- 6-расм. Донхўр брухуслар билан зарарланган мош донлари;

Туганак узунбурунлар, узунбурун кўнғизлар (*Curculionidae*) оиласи қисқа хартумли филчалар (*Curculionidae adelognathi*) кичик оиласи ва *Sitona Germ (Sitones Schonh)* авлодига мансуб ҳашаротлардир. Бу ҳашаротларнинг личинкалари дуккакли дон ўсимликлари илдизида ҳосил бўладиган азот тўпловчи туганаклар билан озиқланганлиги учун ҳам туганак узунбурунлар деб номланган.

Тадқиқотлар давомида дуккакли дон экинларида бир нечта туганак узунбурун кўнғизлари ривожланиб зарар келтириши аниқланган. Булардан 3 тур, яъни майса узунбурун кўнғизи (*Sitona cylindricollis* Fahrs.), ола була нўхат узунбурун кўнғизи (*Sitona linellus* Bansd) ва дағал тукли узунбурун кўнғизларидир (*Setona crinitus* Hbst), лекин булар ичида дуккакли дон экинларга катта зарар етказадигани майса узунбурун кўнғизи - *Setona cylindricollis* Fahrs., эканлиги аниқланган (7-расм).

2012-йилда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Ўсимликликшунослик институти тажриба майдонидаги мош экилган далаларда ўртача 1 м<sup>2</sup> майдонда 36,3 донга ниҳол униб чиққан бўлиб, шундан

мавсум давомида умумий ҳисобда кузатув олиб борилган далаларда мош ниҳолларининг 58,4%, назорат вариантыдаги ниҳолларнинг эса 6,4 % қисми туганак узунбурунлар билан зарарланганлиги аниқланди. «Қибрай ЭКО» УК хўжалигининг мош экилган майдонларида 1 м<sup>2</sup> майдондаги ниҳоллар сони 39,1 донани ташкил қилди. Мавсум давомида бу ниҳолларнинг 56,2 %, назорат вариантыда эса 4,7 %, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти тажриба майдонида 1 м<sup>2</sup> даги мош ўсимлиги сони 30,0 дондан 63,3 %, назорат вариантыда эса 3,7 % ниҳоллар узунбурунлар билан зарарланганлиги тадқиқотларда аниқланган.

### 1 – жадвал

#### Дуккакли дон экинларида 2012- 2016 йилларда аниқланган зараркунанда турлари

№	Тур номи	мош	ловия	нўхат
1	Ўргимчаккана - <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++	+++	-
2	Мароқаш чигирткаси – <i>Doclostaurus maroccanus</i> Thunb. *	+	+	+
3	Отбосар чигирткаси - <i>Doclostaurus kraussii</i> Lng*.	+	+	+
4	Яшил темирчак – <i>Tettigonia viridissima</i> L. *	+	+	+
5	Дағал тукли узунбурун қўнғизи - <i>Setona crinitus</i> Hbst.	+	+	-
6	Майса узунбурун қўнғизи – <i>Setona cylindricollis</i> Fahr.	+++	+++	+++
7	Ола була нўхат узунбурун қўнғизи - <i>Sitona lineellus</i> Bansd.	+	-	++
8	Муйловдор қўнғизсимон чертмакчи - <i>Clon cerambycinus</i> Sem.	+	-	-
9	Туркистон чертмакчиси - <i>Agriotes meticulosus</i> Cand.	+	+	+
10	Хумқалла (қравчик) қўнғизи – <i>Lethrus pygmaecus</i> Ball.	+	+	++
11	Дала сусткаши - <i>Opatrum sabulosum</i> L.	++	-	++
12	Икки доғли малхамчи қўнғиз - <i>Mulovzis bigutkata</i> Gelb.	+	+	-
13	Бурундор қўнғиз - <i>Dailognatha nasute</i> Men.	+	+	+
14	Чўл секин юрар қўнғизи - <i>Blapsholaphila</i> F.W.	+	+	+
15	Ловия донхўри - <i>Acanthoscelides altectus</i> Sag.	++	+++	++
16	Нўхат донхўр қўнғизи - <i>Bruchus pisorum</i> L.	+	+	++
17	Тўрт доғли донхўр - <i>Callosebruchus maculates</i> Z.	+++	+++	+++
18	Нўхат шираси – <i>Acyrtosiphon onobrychis</i> Fonse.	++	++	+++
19	Дуккаклилар шираси - <i>Aphis fabae</i> Scop.	++	++	++
20	Акация шираси - <i>Aphis medicaginis craccivora</i> Koch.	+++	+++	+
21	Полиз шираси – <i>Aphis gossypi</i> Glon.	++	++	++
22	Қатта ғўза шираси – <i>Acyrtosiphon gossypii</i> Mordv.	++	++	-
23	Ўткир елкали қандала – <i>Carpocoris fuscispinus</i> Boh.	++	++	+
24	Дала қандаласи - <i>Lygus pratensis</i> L.	+++	+++	+++
25	Беда қандаласи- <i>Adelphocoris lineolatus</i> Goes.	++	++	-
26	Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси - <i>Liriomysa cicerina</i> Rond.	-	-	+++
27	Иссиқхона оққаноти - <i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw. *	++	++	++
28	Дуккаклилар трипси- <i>Odontothrips intermedius</i> Uzel.*	+++	++	-
29	Кўк цикада (саратон) - <i>Cicadella viridis</i> L.	+	+	-
30	Ғўза тунлами – <i>Heliothis armigera</i> Hb.	++	++	+++
31	Ёввойи тунлами – <i>Agrotis conspiciua</i> Hb.	+	+	-
32	Кузги тунлам – <i>Agrotis segetum</i> Schiff.	++	++	++
33	Метал тусли тунлам - <i>Phytometra confuse</i> Steph.	+	-	-
34	Ундов тунлам - <i>Agrotis eclamationis</i> L. *	+	+	-

## Дуккакли дон экинларида учрайдиган энтомофаглар

№	Энтомофаг номи	Экин тури		
		ловия	мош	Нўхат
	Сосциnellidae оиласи			
1	7 нуқтали хонқизи – <i>Coccinella septempunctata</i> L.	+++	+++	+++
2	2 нуқтали хонқизи – <i>Adalia bipunctata</i> L.	++	+++	++
3	Хилокорус – <i>Chilocorus geminus</i> Zasl.	+	+++	-
4	Стеторус – <i>Stethorus punctillum</i> Ws	++	++	+
	<i>Chrysopidae</i> оиласи			
5	Оддий олтинкўз – <i>Chrysopa carnea</i> Steph.	+++	+++	+
	<i>Thripidae</i> оиласи			
6	Канахўр трипс- <i>Scolothrips acariphagus</i> Jakh.	+++	+++	-
	<i>Tachinidae</i> оиласи			
7	Гония пашшаси - <i>Gonia cilipeda</i> Rd.	++	++	++
	Браконидлар оиласи			
8	<i>Apanteles kozak</i> Nel.	+++	++	+++
9	<i>Bracon hebetor</i> Say.	+++	+++	++
	<i>Antocoridae</i> оиласи			
10	<i>Orius albidipennis</i> Reut.	+++	++	++
11	<i>Orius niger</i> Wolf	+++	+++	+
	Сирфидлар оиласи – <i>Syrphidae</i>			
12	<i>Syrphus corollae</i> F.	+++	++	+

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси - *Liriomyza cicerina* Rond., нўхатда учрайдиган энг хавфли зараркунанда ҳисобланади.

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси личинкалари барг тўқималари орасида силжиб расмли ғовак йўл ҳосил қилади. Натижада ғовак йўллари кўпайиб баргнинг бутун юза қисмларини қоплайди. Қаттиқ шикастланган ўсимлик барглари оқариб сўлийди ва тушиб кетиши аниқланган.

2013-йил Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг суғориладиган ва лалмикор ерларида экилган нўхат ўсимлигида ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасини зарарлаш даражасини ўрганиш мақсадида кузатувлар олиб борилган.

Тадқиқотларда суғориладиган ерларга экилган нўхат ўсимлигининг барглари ғовак ҳосил қилувчи пашшалар билан 86,7-95,4 % гача зарарланганлиги, лалмикор ерларга экилган нўхат ўсимлиги барглари эса суғориладиган ерга экилганга нисбатан 2,5-3,0 мартагача кам зарарланиши аниқланган (3-жадвал).

Ойлар	Январ			Феврал			Март			Апрел			Май			Июн			Июл			Август			Сентябр			Октябр			Ноябр			Декабр					
	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3			
декада	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
Ҳаво харорати	1,7	1,5	9,3	5,4	5,6	5,4	9,0	13,0	13,8	13,6	16,3	16,1	19,5	22,2	22,1	26,8	24,8	28,2	26,1	28,9	30,7	27,8	26,4	25,5	25,3	21,5	22,8	20,0	14,6	10,5	9,4	8,3	8,1	6,8	4,1	2,6			
Нисбий намлик		-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	40	36	34	31	32	33	44	35	35	41	42	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-			
Ёгингарчилик, мм	10	38	14	26	11	8	46	-	44	14	22	10	2	1	3	0,9	3	1	0,6	0,3	0	3	0	0	-	4	-	0	0,1	14	-	17	0,1	51	24	13			
+ имаго	(+)	(+)	+	(+)	(+)	(+)	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+			
. тухуми																																							
-личинка																																							
0 ғумбак										0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0			

7- расм. Туганак узунбурунларнинг мош ва ловияда ривожланиш нуфузи. Тошкент вилояти Қибрай тумани. 2013 й.

**Турли хуудларда нўхат ўсимлигининг лалми ва суғориладиган ерларда ғовак ҳосил қилувчи пашшалар билан зарарланиши. 2013 й.**

№	Тадқиқот олиб борилган хўжаликлар	Экилган вақти, кун.	Ўртача 1 ўсимликдаги барглр сони, дона			Зарарланиш даражаси, %
			Жами	Шундан		
				Зарар- ланган	Зарарлан- маган	
1	Ўсимликшунослик ИТИ	7.04	682,4	591,5	90,9	86,7
2	«Қибрай ЭКО» УК хўжалигида	9.04	703,6	671,2	32,4	95,4
3	«Аббос Исмоилов» ф/х	1.04	417,3	146,8	270,5	35,2

Дуккакли дон экинларини махсус ихтисослашган зараркунандаларидан бири донхўр брухуслардир. Донхўрлар дуккакли дон экинларини айниқса ловия, мош, нўхатни ўсув даврида ҳамда ҳосилни омборхоналарда ёки хонадонларда сақлаш жараёнида 60 -70 % гача зарарлаши кузатилган.

Дуккакли дон экинларини ҳозирда донхўрлар (*Bruchidae*) нинг 3 тури, нўхат донхўри, (*Bruchus pisorum* Z), ловия донхўри (*Acanthoscelides allectus* Sag ), тўрт доғли донхўрлар (*Callosebruchus maculates* Z) кучли зарарлайди. Бу донхўрларни етук зотлари далада, личинкалари эса донлар ичида ривожланади, донхўрлар билан каттиқ зарарланган ўсимлик донлари экишга ёки истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлиб қолади. Донхўр брухуслар дала шароитида 1 та ва омборхоналарда 3-4 та авлод бериб ривожланиши ўрганилган.

Ғўза тунламининг нўхат ўсимлигидан олинадиган ҳосилга келтирадиган зарарини ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотларда, уларнинг 1-2 ёшли қуртларидан фойдаланилган. Бунинг учун нўхатнинг гуллаш фазасида биринчи вариантда ўртача ҳар 10 та ўсимликка 1 донадан ва иккинчи вариантда ҳар 30 туп ўсимликка 1 донадан ғўза тунламининг қуртлари қўйиб чиқилди. Назорат варианты сифатида эса кимёвий ишлов бериб, барча зараркунандалардан тозаланиб садок билан ёпилган жой олинди. Бу тажрибаларда барча вариантларга бир хил вақтда агротехник тадбирлар (суғориш, ўғитлаш) ўтказилган.

10 туп ўсимликда 1 дона ғўза тунлами зарарлаганда назоратга нисбатан 21,6 гр ҳосил камайган бўлса, гектар ҳисобида олганда назоратга нисбатан йўқотилган ҳосил 2,60 ц/га тенг бўлса, кейинги вариантда яъни 30 туп ўсимликда 1 дона ғўза тунлами зарарлаганда олинган ҳосил назоратга нисбатан 24,6 гр камайди, гектар ҳисобида олганда бу кўрсаткич 0,99 ц/га ни ташкил этган.

Диссертациянинг «Дуккакли дон экинлари зараркунандаларига қарши кураш чоралари» деб номланган тўртинчи бобида дуккакли дон

экинлари зараркундаларига қарши кураш чораларини олиб бориш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бунда нўхатнинг энг асосий зараркундаларидан бири ғўза тунламига қарши бракон паразити 1:10 нисбатда тарқатилганда 47,9-70,2 % гача, 1:15 нисбатда тарқатилганида эса 42,9-52,3 % биологик самарадорликка эришилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига қарши қўллаш учун тавсия этилган инсектицид уруғдорилагич препаратлардан Аваланче 70% н.кук 5 кг/т сарф меъёрида ва Круизер 35 % с.к. 4 л/т сарф меъёрида дуккакли дон экинлари уруғларини экишдан камида 15 кун олдин дориланиб экилганда 25-35 кунгача униб чиққан ниҳолларни тугунак узунбурунлар ва ширалардан самарали ҳимоя қилиб, бу зараркундалар келтирадиган зарарнинг олди олиниши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Дуккакли экинлар нўхат, мош ва ловия уруғларини Аваланче 70% н.кук 5 кг/т, Круизер 35% с.к 4 л/т сарф меъёрида инсектицид уруғдорилагич Аваланче препарати билан ишлов бериб экилганда ҳосилдорлик назоратга нисбатан 2 мартагача, Круизер билан ишлов берилганда эса 1,9 мартагача сақлаб қолинган (8,9- расмлар).

Ловия экинида ўргимчакканаларга қарши Вертимек 1,8 % эм.к. (0,3 л/га), Ниссоран 5% эм.к. (0,2 л/га), Химголд 72 % эм.к. (0,3 л/га), Абалон 1,8% эм.к. (0,4 л/га) акарицидларни кўрсатилган сарф миқдорида қўлланилганда 88 - 92% дан ортиқ биологик самарадорликка эришилган, мош ўсимлигида эса ўргимчакканаларга қарши Химголд 72 % эм.к. (0,3 л/га), Вертимек 1,8 % эм.к. ( 0,2 л/га), Алтын 1,8 % эм.к. (0,3 л/га), Узмайт 57 % эм.к. (1,2 л/га), Нурелл-Д 55 % э.к. (1,5 л/га), кимёвий препаратларни юқорида кўрсатилган сарф миқдорида қўлланилганда 87-95 % дан ортиқ биологик самарадорликка эришилган (10-расм).



8



9



10

8-расм. Аваланче уруғдорилагич препарати билан дориланган нўхат донлари;

9-расм. Дориланган мош донларини экиш;

10-расм. Мош ўсимлигида ўргимчакканага қарши кимёвий ишлов бериш.

Ловия экинида донхўр брухусларга қарши Б-58 ( янги) 40 % эм.к. 0,5-1,0 л/га, Караче 10% эм.к 0,1-0,2 л/га, Атилла 5% эм.к 0,2-0,3 л/га сарф миқдорларда кимёвий препаратларни қўлланилганда 88-92 % дан ортиқ биологик самарадорликка эришилган.

Говак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши Алтын 1,8 % э.к. (0,3 л/га) қўлланилганда назоратга нисбатан 90,1 %, Энтолучо 20 % эм.к. (0,2 л/га) 92,3

%, Нуринол 55 % эм.к. (1 л/га) 86,3 % гача ва Поло 50 % эм.к. (0,8 л/га) 89,0 % гача нўхат пашшасини нобуд қилиши аниқланган.

Нўхатда ғўза тунламига қарши биопрепарат Beta Pro гектарига 160 гр/га миқдорида қўлланилганда 76,5 % ва 320 гр/га қўлланилганда эса 90,9 % дан ортиқ биологик самара бериши аниқланган.

Ғўза тунламига қарши нўхат ўсимлигида кимёвий препаратлардан Акито 5 % эм.к. (0,3 л/га) қўлланилганда 86,6-87,1 % гача, Аваунт 15 % э.к. (0,45л/га) 89,7-90,4 % гача, Алтын 1,8 % эм.к (0,5 л/га) препарати 83,3 % гача, Моспилан 20 % ҳ.к.к. (0,3л/га) 87,3 % гача биологик самарадорликка эришилган.

Диссертациянинг «**Дуккакли дон экинлари зараркундаларига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида дуккакли дон экинларининг энг асосий зараркундаларига қарши чораларига асосланиб ўтказилган тадбирларни хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган:

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига қарши қўлланилган препаратлар биологик жиҳатдан юқори самарадорликни намоён қилиши мумкин, бироқ препаратларнинг нархлари юқори бўлганлиги сабабли, уларнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги паст бўлиши мумкин. Бундай ҳолат айниқса қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги паст бўлган лалми ҳудудларда яққол кузатилади.

2014-2015 йилларда ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши Компрадор (0,3 л/га) инсектициди қўлланилганда назоратга нисбатан – 4,3 ц/га, Вертимек (0,2 л/га) инсектоакарицидида – 5,1 ц/га, Багира (0,4 л/га) – 4,7 ц/га, Поло (0,8 л/га) - 4,5 ц/га, Нуринол (1,0л/га) инсектицидида – 4,8 ц/га ва Энтолучо (0,2 л/га) инсектицидида эса – 3,6 ц/га ҳосил сақланиб қолинган. Нўхат пашшасига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлиги 2497000 сўмдан (Компрадор, 35% с.к. 0,3 л/га) 2937000 сўмгача (Вертимек, 1,8 % к.э. 0,2 л/га) ташкил қилди.

Дуккакли дон экинларида айниқса ўргимчакканаларнинг келтирадиган зарари юқори бўлиши тадқиқотларда аниқланган.

2014-2015 йиллар давомида ўргимчакканаларга қарши Химголд, 72 % эм.к., Вертимек1,8% эм.к., Алтын 1,8 % эм.к., Узмайт, 57 % эм.к., каби инсектоакарицид препаратларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлиги ўрганилган.

Олинган натижаларга кўра мош экинларида ўргимчакканаларга қарши Химголд 72 % эм.к., препарати қўлланилган вариантда-6,1 ц/га, Вертимек 1,8% эм.к. препаратидида - 6,3 ц/га, Алтын 1,8 % эм.к. препаратидида-5,3 ц/га ва Узмайт 57 % эм.к., акарициди қўлланилганда – 5,6 ц/га ҳосил сақлаб қолинган.

Мошни ўргимчакканалардан химоя қилишда қўлланилган усул ва воситаларнинг берган самараси Химголд 72 % эм.к., препарати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 1728500 сўмни

ташқил қилган бўлса сарфланган ҳар бир сўм ўзини 2,6 марта оқлаганлиги кузатилган.

Вертимек 1,8% эм.к. қўлланилган вариантда бу кўрсаткичлар 1790500 сўм ва 2,7 мартани, Алтын 1,8 % эм.к. препаратиди - 2252000 сўм ва 3,6 мартани, Узмайт, 57 % эм.к. препаратиди эса - 2331200 сўм ва 3,4 марта ўзини оқлаши аниқланди. Бу тажриба натижаларининг кўрсатишича мош экинларида Химголд ва Вертимек препаратларининг биологик самараси юқори бўлсада, уларнинг нархи қимматлиги сабабли Алтын ва Узмайт препаратларининг берган иқтисодий самарасидан пастроқ бўлган.

Донхўр брухуслар дуккакли дон экинларининг уруғларини вегетация даврида ва омборхоналарда сақлаш давомида зарарлаши билан бошқа зараркунандалардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу зараркунандаларга қарши қўлланилган ҳимоя воситаларининг иқтисодий самарасини ўрганиш учун 2014-2016 йиллар давомида махсус изланишлар олиб борилди.

Тажрибалар тизимли таъсир қилувчи ва тегса таъсир қилувчи кимёвий препаратларнинг берган самарасини солиштириб ўтказилган.

Тадқиқотларнинг биринчи вариантыда БИ-58 (янги) 40 % эм.к. 1 л/га, Караче 10% эм.к. 0,2 л/га ва Атилла 5% эм.к. 0,3 л/га сарф миқдорида қўлланилди.

Тажрибалар натижаларининг кўрсатишича БИ-58 (янги) 40 % эм.к. 1 л/га сарф миқдорида қўлланилганда 5,2 ц/га, Караче 10% эм.к. 0,2 л/га қўлланилганда 4,3ц/га ва Атилла 5% эм.к. 0,3 л/га қўлланилганда эса 4,8 ц/га ҳосил сақлаб қолинган.

Ловияни донхўр брухуслардан ҳимоя қилишда қўлланилган усул ва воситаларнинг берган самарасини ўзаро солиштирганда БИ-58 (янги) 40 % эм.к. препарати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 1707000 сўмни ташқил қилган бўлса сарфланган ҳар бир сўм ўзини 2,5 марта оқлаганлиги, Караче 10% эм.к. қўлланилган вариантда бу кўрсаткичлар 1452000 сўм ва 2,3 мартани ва Атилла 5% эм.к. препаратиди - 1622000 сўм ва 2,5 марта ўзини оқлаши аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотларимиз давомида жами 2 синф 8 туркумга мансуб 34 тур зараркунандалар дуккакли дон экинларига зарар етказиши аниқланди. Улар ичида келтирадиган зарари бўйича иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 10 турдаги зараркунандалар ўргимчаккана - *Tetranychus urticae* Koch., Дағал тукли узунбурун кўнғизи - *Setona crinitus* Hbst., Майса узунбурун кўнғизи – *Setona cylindricollis* Fahr., ловия донхўри - *Acanthoscelides allectus* Sag., тўрт доғли донхўр - *Callosebruchus maculatus* Z., Акация шираси - *Aphis medicaginis craccivora* Koch., дала қандаласи - *Lygus pratensis* L., ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси - *Liriomyza cicerina* Rond., ғўза тунлами – *Heliothis armigera* Hb. кузги тунлам – *Agrotis segetum* Schiff. асосий доминант тур ҳисобланади.

2. Туганак узунбурун кўнғизларининг ловия агробиоценозида ўсимлик 3-4 чин барг чиқарган вақтда, мошда шоналаш фазасига кирганда ва нўхатда гуллаш фазасига кирганда учрайди. Зараркунанданинг бундай кўчиши (миграцияси) ўсимлик танасидаги физиологик жараёнлар билан боғлиқ. Чунки туганак узунбурун кўнғизлари ловия барглари билан, мошнинг шона барглари ва нўхатнинг гул нектари билан озиқланганлиги аниқланди.

3. Туганак узунбурун кўнғизлар мош ниҳолларини 56,2 – 63,3 % гача, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси нўхат ўсимлигини 86,7 – 95,4 % гача, ғўза тунлами эса нўхат экинларини 54,3 – 63,1 % гача зарарлаши кузатилди. Лалмикор ерларда нўхат ўсимлиги барглари ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси суғориладиган ерга нисбатан 2,5 – 3,0 мартагача кам зарарланиши аниқланди. Мунтазам кимёвий ишлов берилган далаларда эса ўсимликнинг туганак узунбурунлари билан зарарланиши 3,7 – 6,4 % дан ошмади.

4. Ўртача 10 туп нўхат ўсимлигида 1 дона ғўза тунламининг 1-2 ёшдаги личинкалари учраганда назоратга нисбатан 12,8 % (гектар ҳисобида олганда назоратга нисбатан йўқотилган ҳосил 2,6 ц/га тенг), 30 туп ўсимликда 1 дона ғўза тунламининг 1-2 ёшдаги личинкалари учраганда олинган ҳосил назоратга нисбатан 4,9 % га камайди (гектар ҳисобида 0,99 кг ни ташкил этади). Демак, 30 туп нўхатда 1 дона ғўза тунламининг 1-2 ёшли личинкалари учраса уларга қарши кураш ишларини олиб борса бўлади.

5. Нўхат ўсимлигида ғўза тунламига қарши бракон паразити 1:10 нисбатда (энтомофаг: зараркунанда) тарқатилганида самарадорлик 47,9-70,2 % гача, 1:15 нисбатда тарқатилганида эса 42,9 - 52,3 % ни ташкил қилди.

Beta Pro биопрепарати гектарига 160 гр миқдоридида қўлланилганда дори сепилгандан кейин 14- кунда 76,5 % ва 320 гр/га қўлланилганда эса 90,9 % дан ортиқ биологик самара берди.

6. Инсектицид уруғдориллагич препаратлари билан дуккакли дон экинлари уруғлари дорилаб экилганда 25-35 кунгача униб чиққан ниҳолларни зараркунандалардан самарали химоя қилди ва ҳосилдорлик назоратга нисбатан 1,9 -2 мартагача ошди.

7. Ўргимчакканаларга қарши акарицидлардан Вертимек (0,3 л/га), Ниссоран (0,2 л/га), Химголд (0,3 л/га), Абалон (0,4 л/га) қўлланилганда биологик самарадорлик 88- 92 %, мошда инсектоакарицид ва акарицидлардан Химголд (0,3 л/га), Вертимек (0,2 л/га), Алтын (0,3 л/га), Узмайт (1,2 л/га), Нурелл-Д (1,5 л/га) қўлланилганда самарадорлик 87-95 % гача етди.

Ловия экинида донхўр брухусларга қарши БИ-58 (янги) 40 % эм.к. 0,5 – 1,0 л/га, Караче 10% эм.к 0,1-0,2 л/га, Атилла 5% эм.к 0,2 - 0,3 л/га сарф миқдорларда кимёвий препаратларни қўлланилганда 88,0-92,0 % дан ортиқ биологик самарадорликка эришилди.

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши Алтын 1,8 % э.к., (0,3 л/га) қўлланилганда назоратга нисбатан 90,1 %, Энтолучо 20 % эм.к. (0,2 л/га) 92,3 %, Нуринол, 55 % эм.к. (1 л/га) 86,3 % гача ва Поло 50 % эм.к. (0,8 л/га) 89,0 % гача нўхат пашшасини нобуд қилди.

Нўхатда ғўза тунламига қарши Акито 5 % эм.к. (0,3 л/га), қўлланилганда 86,6-87,1 % гача, Аваунт 15 % э.к. (0,45л/га) 89,7-90,4 % гача, Алтын 1,8 %

эм.к (0,5 л/га) препарати 83,3 % гача, Моспилан 20 % х.кук. (0,3л/га) 87,3 % биологик самара олинди.

8. Говак ҳосил қилувчи пашшаларга қарши химоя тадбирлари ўтказилган вариантда химоя тадбирлари қўлланилмаган майдонларга нисбатан 3,6 - 5,1 ц/га, ғўза тунламига қарши қўлланилганда 3,9-5,2 ц/га, ловия донхўрига қарши қўлланилганда эса 4,3-5,2 ц/га ва мошда ўргимчакканаларга қарши акарицидлар қўлланилганда эса 5,3 – 6,3 ц/га ҳосил сақлаб қолинди.

9. Химоя тадбирларининг натижасида олинган иқтисодий самарадорлик гектар ҳисобида шартли соф фойда нўхат пашшасига қарши қўлланилган препаратларда назоратга нисбатан 2497000 сўмдан - 2937000 сўмгача, ғўза тунламига қарши қўлланилганда 2274000-2997000 сўмгача, донхўр брухусларга қарши қўлланилган вариантда 1452000-1707000 смгача ва ловияда ўргимчакканаларга қарши акарицидлар қўлланилган вариантда эса 1728500-2331200 сўмни ташкил қилди. Ўсимликларни химоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўм ўзини 2,3-2,5 марта оқлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ  
РАСТЕНИЙ**

**ХОЛЛИЕВ АСАМИДДИН ТУРАЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ БОРЬБЫ ПРОТИВ ВРЕДИТЕЛЕЙ  
ЗЕРНОБОБОВЫХ КУЛЬТУР (НУТ, МАШ, ФАСОЛЬ)**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент–2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Qx59.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте защиты растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Гаппаров Фурқат Ахатович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кимсанбаев Хужамурод Хамрокулович**  
доктор биологических наук, профессор

**Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич**  
кандидат сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт зерна и зернобобовых культур**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц - зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером \_\_\_) Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43,

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с/х.н.

**М.М.Адилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотации диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире ежегодно получают 62 млн. тонн урожая от зернобобовых культур в виде пищевой продукции<sup>1</sup>. Зернобобовые относятся к востребованным культурам во многих странах мира таких как Индия, Китай, Корея, Россия и др. Вредителей, наносящих серьезный вред зернобобовым культурам насчитывается несколько десятков видов. Среди них, к особо опасным вредителям относятся: паутинные клещи, тли, минирующие мухи, шелкоуны, чернотелки, совки, долгоносики и другие. Эти вредители наносят значительный вред зернобобовым культурам, повреждая корни, молодые всходы, вегетативные и генеративные органы. Некоторые вредители, ежегодно развиваясь в больших количествах, наносят серьезный экономический урон, что снижает урожайность выращиваемых культур. Не применяя защитных мероприятий против вредителей зернобобовых культур невозможно получить высокий и качественный урожай.

В составе семян зернобобовых культур есть ценные питательные вещества такие как белки, углеводы и жиры, которые являются ценным пищевым продуктом для организма человека. Поэтому проведение научно-исследовательской работы по разработке эффективных мер борьбы с ними на основе изучения видового состава, биологических особенностей, ареала распространения и вредоносности вредителей, встречающихся на зернобобовых культурах, а также внедрение их в производство являются актуальными задачами.

В настоящее время, для удовлетворения потребности к получаемой продукции бобовых (фасоль, маш, нут), проведён ряд широкомастабных мероприятий. В результате проведения исследований, по методам защиты зернобобовых культур от вредителей, можно в целостности сохранить получаемый урожай. Такая разработка, в соответствии с современными технологиями, в настоящее время является актуальной задачей. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2020 годы определены важнейшие задачи «...разработка и внедрение мер борьбы защиты растений от вредителей и болезней». Внедрение в производство методов борьбы против вредителей зернобобовых культур играет важную роль в повышении их урожайности.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 1 июня 2017 года за № 3027 «по обеспечению размещения повторно высеваемых культур на освобожденных зерновых полях и обеспечение их своевременно требуемыми материально-техническими ресурсами в 2017 году», а также других нормативно-правовых документах.

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org>

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящая диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

